



Сархуш онда санадинг, сархуш кунларни,

Кўрқмадинг, такдирнинг аччиқлари бор.

Ўзингга дўст тутиб, алдандинг, тунни,

Холбуки ойдинда кўринар ғубор.

Ўрта мактабни тугатганимдан кейин, олий ўқув юртига кириш учун ҳужжатларимни топширдим. Лекин мени бир янги воқеа кутиб турар эди. Америкада ўқиётган бир йигит менга совчи бўлиб келди ва ота-онам рози бўлишди. Энди бегона юртларга сафар қилишим аниқ. Мен бундан жуда хурсанд бўлдим. Яқинда Америкада яшайман. Менга уйқу бермаётган асосий нарса, қандай қилиб ота-онам бу йигитни билмай туриб ва менинг ёшим кичкина бўла туриб бундай тезликда тўйга ва бу узоқ муддатли сафарга рози бўлишди.

Турмушимизнинг бошланиши яхши бўлди. Америкада, янги уйимизда, ўқишни бошладим. Кунлар ширин ва чиройли ўтарди. Америкада кўп жойларни томоша қилдим. Турмуш ўртоғим менда ҳамма нарса ҳақида тушунча пайдо бўлиши учун, ҳамма жойни кўриб томоша қилиб олишимга қизиқарди. Лекин баҳтли кунлар узоқ давом этмади. Биз ҳозир менинг ўйлашимча, ақлий етилиш босқичида бўлганмиз.

Турмушимизда тошиб-камайишлик ҳаракати бошланди. Биз ҳамма нарсага, ҳатто намоз ўқишга ҳам бепарво эдик. Биз қизиқадиган ягона нарса бизда ҳамма нарса ҳақида билим пайдо бўлишлиги эди.

Жанжалимиз давом этаверганида, у кўп вақтини, айниқса кечаларини кўчада ўтказарди. Уч йил давомида фарзанд кўрмадик. Эҳтимол, бу орамиздаги жанжалнинг катталашиб кетаётганига сабаб



бўлаётгандир. Баъзида жар ёқасига, эр-хотинлик ҳаётимизнинг ниҳоясига, яқин бориб қолай дедик. Бу ҳолат давом этаверди.

Ота-онамизни кўриш учун шаҳримизга қайтиб келган вақтимизда, улар менда хорғинлик ва руҳан эзилишни пайқаб қолдилар. Мен онамга ҳамма гапни айтиб беришга қарор қилдим. У ўз навбатида бу гапларимни оқизмай-томизмай дадамга етказди. Дадам мени ёнига ўтиргизиб, турмуш ўртоғимга, унинг менга қилган муомаласига ва ниҳоят унинг қанчалик тўғрилигига боғлиқ бўлган барча нозик саволларни сўради. Дадам менга ўйлаб кўриш учун берган муҳлатдан кейин, талоқни талаб қилдим. Америкада биз бир қанча маротаба талоққа келишган бир пайтда бу иш осон тугашини кутиб турадим. Лекин турмуш ўртоғим талоқдан бош тортди. Фақат кўп шартларни қўйгандан кейин рози бўлди. Энг оддий шартларидан бири маҳрни тўлиқ қайтариб беришим эди. Олди- бердидан кейин ташвишли кунлар тугади. Мен унга ўқишида ёрдам берганлигим, ўзимнинг пулларимни унга берганим ва уч йил давомида бутун маошим унинг қўлида бўлганига қарамасдан, талоқ вақтида унинг қўйган талаблари учун унга нисбатан менинг нафратим ошди. Ҳар ҳолда унга ҳам, менга ҳам хоҳлаган нарсамиз қайтариб берилди.

Мен яна эски ҳаётимга қайтдим. Гўёки, бўлиб ўтган воқеалар ҳаёл ёки ваҳимали тушга ўхшарди. Олий ўқув юртида ўқув йили бошланиши билан ҳужжатларимни ва гувоҳномаларимни тўплаб, олий ўқув юртига бордим. Мусоғирчиликда ўтказган йиллар мобайнида инглиз тилини яхши ўрганганим учун менда инглиз тили факултетига киришга қизиқиши пайдо бўлган эди. Аллоҳнинг иродаси билан ўрта мактабдаги дугоналаримдан бири билан учрашиб қолдим. Илиқ салом-алик ва узоқ савол-жавобдан кейин, инглиз тили факултетига кириш учун ҳужжатларимни олиб келганимни унга айтдим. Дугонамнинг ўқишни



битиришига бир йил қолган, у ҳозир исломшунослик факультетида ўқирди. Қисқа сұхбатимиз асносида у мени исломшунослик факультетига киришимга рози қилди. У менга: “Сен фойдаланадиган маълумотлар бор, сен, шунингдек, у ерда факултет қизларининг ҳаммаси билан танишасан ва у ерда сени хурсанд қиласидиган программадан ташқари қўшимча фаолиятлар бор”, - деб айтди. Бу сўзлар мен ана шу фаолиятларни яхши кўрганим учун менга ёшлик чоғларимни эслатиб юборди. Аллоҳга таваккал қилдим. Ўзим кутмаган тез суръатда факультетнинг фаол аъзосига айландим. Мажлислар уюштириш ва уларни тартибга солишда қатнаша бошладим. Гўё мен билан бўлган гуруҳга хурсандчилик ёғилиб турарди. Бу менинг уч йилдан бери йўқотган нарсам эди. Менинг соғлигим тикланиб, яна ҳаёт кўз ўнгимда жонлана бошлади. Менда катта ғайрат ва ҳақиқий мақсад пайдо бўлди. Мен янги аъзо бўлган жамият мени фарзларни унутмайдиган ва нафл намоз ва нафл рўзаларни ўз ихтиёrim билан адо қилишимга сабабчи бўлди. Диндор дўстлар бўлган бу факультетга киришни менга мұяссар қилган Аллоҳга ҳамду санолар айтдим.

Биз бир гуруҳ дугоналарим билан Қуръон ёдлашга қарор қилдик, бу қарор менга нисбатан оғир қарор эди, чунки мен янги босқичга қадам қўяётган эдим. Биз Қуръон ёдлашга киришдик, мен бошида давом эта олмасам керак деб қўрқар эдим. Лекин Аллоҳ менга давом этиб кетишини осон қилди ва менга машаққатсиз ёдлашда ёрдам берди. Шунингдек, мен қўлимдан кетган нарсаларни қайтариб олишга ҳаракат қилиб, ақида ва фикҳ китобларини мутолаа қилишга кўпроқ эътибор бера бошладим.

Субҳаналлоҳ, мен Америкага борган вақтимда саодатнинг чўққисидаман деб ўйлардим. Лекин, ҳозир, гарчи саодатга ўхшаб кўринсада Аллоҳдан узоқ бўлишликда мутлақо саодат йўқлигини аниқ



билдим.

Харакатимнинг оиласизга ҳам таъсири бўлди. Синглим мен билан Қуръон ёдлай бошлади. Онамга, фойдали бўлган нарсаларни, хусусан аёлларга тааллуқли ҳукмларни ўқиб бериш учун вақт ажратдим. Аллоҳга шукр, уйимида ҳар хил исломий китоблар ва кассеталар кўпайди. Кимни кўришга борсам, совға сифатида ўша кассеталардан бир қанчасини олиб бораман. Биронта мулоқотимни бефойда қолдирмадим. Ҳаётим бутунлай ўзгарди. Дунёга янги назар билан қарай бошладим, у абадий қолиб кетадиган жой эмас, балки, ўтиб кетиш жойидир.

Собиқ турмуш ўртоғим ўқиши тамомлаганидан кейин, Америкадан қайтиб келиши ҳаётимнинг софлигини булғади. Унинг онаси кечиришимни ва ўтмишни унутиб, собиқ турмуш ўртоғимнинг олдига қайтиб боришимни сўраб, бизни кўришга келди. Мен унинг пешонасидан ўпдим ва унга: “Мен барча ўтмишни унутганман, Аллоҳ мени афв этишини умид қилиб, афв қилиб юборганман”, - дедим. Унинг илтимосидан бош тортдим, лекин у билан яхши хайрлашдим ва ўғли учун тавбага ва ўзига эътибор беришликка тарғиб қиласидиган кассеталардан иборат совға бериб юборишини унутмадим. Шунингдек мен унга ўқишдан бошқа нарсага ҳозирги пайтда вақтим йўқлигини айтдим.

Сизларга айтишни унутибман, менга кўп совчилар келди. Уларнинг менга нисбатан энг аҳамиятлиси дугоналаримдан бирининг акаси эди. Мен рад этдим ва унга Қуръоннинг ҳаммасини ёдлаб бўлмагунимча, турмушга чиқмасликка Аллоҳга аҳд берганимни айтдим. Дугонам мени кўндиришга уринди. Лекин мен унга бу йил биз учун олий ўқув ютида охирги ўқув йили ва яна Қуръонни тўлиқ ёдлаб тугатишим



учун ҳам охирги йил эканини айтдим. У индамади.

Тўлиқ бир ўқув йили ўтгач, олий ўқув юртида ўқишимни битирдим. Мен бу ерда асистант бўлиб ишлашни орзу қиласдим. Лекин Аллоҳ бошқа нарсани хоҳлади. Уйимизга яқин бир мактабга ишга тайинландим. Программадан ташқари фаолиятимни у ерда ҳам давом эттирдим. Ўқувчи қизлар тайёрлайдиган маъruzалар учун жадвал қилдим, Қуръон хифзи учун ҳам фаолият бошладим. Мактабда ишларим қувонтирадиган даражада кетарди. Биз гўё бир оиладай эдик. Ўша кунларнинг бирида, кечки пайт дугонам мени кўришга келди ва менга Қуръонни ёдлаб бўлгандан кейин турмушга чиқишимни унга ваъда қилганимни эслатиб, “Хозир сенинг узринг йўқ”, - деди. Мен розилик бердим ва ҳамма нарса суннатга мувофиқ, исрофсиз ва тантаналарсиз бўлди.

Қандай яхши эр, хулқ... дин... ва кечалари туриб намоз ўқиш... У билан қандай ҳаёт кечирганимни сўрамай қўяверинглар. Гўё биз шу йиллар давомида бир-биrimизни кутиб юргандекмиз. Уни менга совчи юборишга қаттиқ туришига мажбур қилган нарса, менинг Қуръон ёдлашга бўлган қизиқишим эканини айтди. Мени Америкадан ва ҳамма нарса билишдан Қуръон ёдлашга буриб қўйган Аллоҳга ҳамлар бўлсин! Ўз вақтида менга раҳмати етган Аллоҳга санолар бўлсин!